Ушбу сонда:

ДАСТУРЛАР 5-6

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН! KOMPYUTER SAVODXONLIGI 7

TELEVISA: СЕРИАЛЛАР САРИ САЁҲАТ 8



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 10-iyun, 23 (664)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ ***Матбуотда "2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.***

◆ *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 8 июн куни Оқсаройда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дэвид Моран ишонч ёрлиғини топширди.*

◆ ***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Андижон шаҳридаги воқеалар юзасидан хорижий журналистлар ва дипломатик корпус вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири қатнашди.***

◆ *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунининг Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.*

◆ ***Халқаро бизнес-марказда "Ўзбекистон Республикасида электроника саноати ва электрон ҳамда маиший техника ишлаб чиқаришни ривожлантириш инвестиция салоҳияти" лойиҳасининг тақдимот маросими ўтказилди.***

◆ *Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя - CAIPS 2005" 1-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.*

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори*

# Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

**Ахборот ва компютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:**

1. Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб бошқа барча олий таълим муассасаларида таълимнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилсин ва ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4 курсларнинг талабалари, 1-иловага мувофиқ, белгиланган тартибда таълимни давом эттириш учун Тошкент ахборот технологиялари университетига ва унинг минтақавий филиалларига ўтказилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг "Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)" йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ходимлар чекланган сони 390 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари сони 72 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4-ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларини очиш, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун 6-иловага мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг амалдаги Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрсин.

*(Давоми 2-бетда.)*




***4-5 июн кунлари Бухоро шаҳрида компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг ҳудудий саралаш турнири ўтказилди.***

**Чемпионатнинг** расмий тўрт ўйинида иштирок этиш учун ҳудудий саралаш турнирида Бухоро шаҳри ва вилояти, Навоий, Зарафшон, Урганч ва Қарши шаҳарларидан 386 қатнашчи рўйхатдан ўтди. Турнирда энг оммавий ўйин Half-Life™: Counter-Strike 1.6 (жамоавий ўйин) бўлди. Агар ўтган йил компютер ўйинларининг ушбу тури бўйича 19та жамоа кураш олиб борган бўлса, улар сони бу йил 27тага етди.

*(Давоми 3-бетда.)*

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги ҳамда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Йиғилишни қўмита раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.***

**Андижон вилоятида** мазкур қонунлар ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокими ўринбосари Эргаш Воҳидов ҳамда "Андижон Телеком" филиали директори Абдумажид Қодировлар ахборот беришди.

Депутатлар ишчи-гуруҳи томонидан бу қонунларнинг ижросини ўрганиш даврида ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам аниқлангани йиғилишда таъкидланди. Хусусан, вилоятда ҳар 100 кишининг телефон билан таъминланиш даражаси республикамиздаги ўртача кўрсаткичдан паст, рақамли телефон станциялари хизматидан етарли даражада фойдаланиш имконияти яратилмаган, АТСлар, телекоммуникация кабеллари анча эскирган, бунга 2004 йил давомида аҳоли ва ташкилотлардан тушган 1094та шикоятнинг асосий қисми линия-кабел хўжаликларига оидлиги ҳам далолат бермоқда. Шунингдек, Интернетга уланиш қониқарсиз аҳволда эканлиги, сўнгги пайтларда кабел ўғриликлари кўпайиб бораётганлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

Қўмита йиғилишида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳақида зарур тавсиялар берилди ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Ўз мухбиримиз***


uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

8. Тошкент ахборот технологиялари университети бир ой муддатда таълимнинг "Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)" йўналишида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга бўлган талаб-эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда филиалларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент ахборот технологиялари университети учун 2005 йилга тасдиқланган бюджет маблағлари миқдорига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетида ва янги ташкил этиладиган минтақавий филиалларда таълимни ташкил этиш учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда топширилаётган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, шунингдек, зарур ўқув лаборатория ускуналари, компютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2005/2006 ўқув йили бошланишига қадар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда маблағлар ажратилишини кўзда тутсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил, 2 июн

***Республикамиз Президенти И.Каримовнинг "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорини ўз мазмун-моҳияти билан тарихий ҳужжат десак, муболаға бўлмайди.***

# Университет жамоаси учун муҳим қарор

**Маълумки,** 2002 йилда Президентимизнинг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниб, ушбу фармон асосида Тошкент электротехника алоқа институтига Тошкент ахборот технологиялари университети мақоми берилган эди. Бу эса, ўз навбатида, бир томондан, республикамиз ҳукуматининг мамлакатимизда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга бераётган эътиборини билдирса, иккинчи томондан, университет жамоасига катта масъулият юклади.



"Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарор ахборот ва компютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтиришда асосий дастуриламал ҳисобланади.

Қарорда ТАТУ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси деб белгиланиб, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида унинг минтақавий филиалларини ташкил этиш қайд қилиб ўтилган. Бу эса бизнинг зиммамизга минтақавий филиалларда "Информатика ва ахборот технологиялари" йўналиши бўйича дарс олиб борувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, керакли замонавий ахборот технологияларига оид жиҳозларни кўпайтириш ва ўқитиш жараёнини замонавий андозаларга мос ҳолда олиб бориш вазифаларини юклайди. Шунингдек, республика Давлат тест маркази билан биргаликда 2005-2006 ўқув йилида ТАТУнинг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Ушбу қарорни амалга оширишдаги асосий вазифалардан бири — профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва иқтидорли ёшларга етарли шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кўмаклашишдир.

Халқимизда "Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", деган нақл бор. Университетимизда талабаларга назарий билимлар бериш билан чекланиб қолинмасдан, олган билимларини амалиётда синаб кўришлари учун ҳам кўпгина қулайликлар яратилган. Бу борада бизга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, "Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Тошкент телеграф-телефон станцияси" ҳамда вилоятлардаги филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва унинг вилоятлардаги филиаллари, "Саркор Телеком", "Ўзбектелеком Интернейшнл" қўшма корхоналари, Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, Тошкент радиотелевизион узатиш маркази ҳамда "Ўздунробита", "Коском", "Ўзмаком" каби уяли алоқа компаниялари бўлажак мутахассисларнинг амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришмоқда.

Университетда халқаро алоқалар ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Талаба ва ўқитувчиларимиз хорижий давлатларда мунтазам таълим олиб қайтишмоқда, компютер технологиялари бўйича АҚШ, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ҳамда бир қатор Европа мамлакатлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

2002 йилда университет АҚШнинг "Карана" корпорацияси USAID EDNET таълим тармоғига ва Cisco минтақавий тармоқ академиясига аъзо бўлди. Бундан ташқари, АҚШнинг TDA агентлиги билан ТАТУда "Хотин-қизлар телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари ўқув маркази" лойиҳасининг грантини техник-иқтисодий асослаш бўйича битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида ахборот-технологиялари бўйича Ўзбек-Ҳинд марказини тузиш тўғрисидаги Меморандум имзоланган. Марказ 700000 АҚШ доллари ҳажмидаги грант асосида фаолият юритиши режалаштирилган.

Хуллас, жамоамиз ҳаётида муҳим воқеийлик бўлиб ҳисобланмиш ушбу қарор профессор-ўқитувчиларимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, республикамизда ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашдек долзарб масалани ҳал этишда асосий замин бўлиб хизмат қилади.

***Содиқжон ҚОСИМОВ,***
***ТАТУ ректори,***
***техника фанлари доктори, профессор***

HAY'AT YIG'ILISHIDA

# Веб-сайтларга эътибор нега суст?

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.ИЗБОСАРОВ олиб борди.***

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовларнинг маърузалари тингланди.

"Ўзбектелеком" АК раҳбарининг таъкидлашича, компаниянинг ўзида ва унинг Тошкент шаҳридаги филиалларида пластик карточкаларга ўтиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида компания филиаллари пластик карточкаларга ўтишни АТ "Алоқабанк"и режасига асосан амалга оширади. "Алоқабанк" томонидан чиқарилган пластик карточкалар бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас, ушбу карточкаларни ходимлар ўртасида тарғибот қилиш ва тарқатишда муаммо ҳамда бошқа қийинчиликлар мавжуд.

Хўш, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда бу қарор қандай бажарилмоқда? Ушбу корхона бош директори маълумотида айтилишича, қарорни бажариш учун маълум ишлар амалга оширилган. Шунга қарамай, "Тошкент почтамти" филиалининг 161та алоқа бўлимидан 26таси тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан таъминланган, холос. Вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардаги 412та почта алоқаси бўлимларининг эса бирортаси ҳам бундай терминаллар билан таъминланмаган. Ходимлар учун тижорат банкларида ҳисоб-варақларини очиш ва уларни пластик карточкалар билан таъминлашда ҳам сусткашликлар кўзга ташланади.

Шунингдек, мажлисда Агентлик тизимидаги, акциядорлик компаниялар, корхона ва ташкилотлар томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини татбиқ қилиш етарли даражада ташкил қилинмаганлиги қайд этиб ўтилди.

"Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунларининг соҳада татбиқ этилиши тўғрисида" Агентлик ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи С.Авганбайев маъруза қилди.

Агентликнинг 2003 йил, 377-сонли, 2004 йил, 135, 2005 йил, 24-сонли буйруқларига мувофиқ ушбу Қонунларни жорий этилишига йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўтган даврда ушбу йўналиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, учта меъёрий ҳужжат тайёрланиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Агентлик тизимидаги барча акциядорлик компаниялар, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан веб-саҳифалар ишлаб чиқилган. Агентлик буйруқ ва ҳужжатлари электрон почта орқали корхоналарга юборилмоқда. Шу билан бирга, Агентлик тизимидаги корхоналардан учтасида электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилди. Маърузачи қабул қилинган ушбу қонунларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида татбиқ этишни янада жадаллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бажарилишининг бориши тўғрисида" Агентлик ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи С.Авганбайев, Агентлик телекоммуникация технологиялари ва хизматлари бўлими бошлиғи Ж.Мақсудов сўзга чиқишди. Маърузачилар ушбу қарор тегишли бандларининг бажарилиши юзасидан бир қатор ишлар қилингани, шу билан бирга, Агентлик тизимидаги ташкилот ва корхоналарда ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлиги, Интернет тармоғидаги веб-саҳифалари ишламаётганлиги, JBIC лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар ва бошқа вазифалар хусусида сўз юритишди.

Бундан ташқари, мажлисда тилга олиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни кечиктирмай бартараф этиш ва бошқа масалалар борасида фикрлашилди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Иззат АҲМЕДОВ***

TATU HAYOTIDAN

# Билимдонлар беллашуви

**Тошкент ахборот технологиялари университетида** Информатика фани бўйича университетнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган «Билимдонлар беллашуви» танлови ўтказилди. Унда зукко, қувноқ ва билимдон 1-босқич талабаларидан иборат икки — "Рингдаги Рақобатчи Талабалар" (РРТ йўналиши) ҳамда "Топқирлар ва Комиллар" (Телекоммуникация йўналиши) жамоалари иштирок этди.

Беллашувда талабалар Жамоа аъзолари билан танишув, Талаба илмий изланишда, Устозлар – талабалар нигоҳида, Талаба ва электрон дарслик, Уйга вазифа (эркин мавзу) каби йўналишларда ўзаро куч синашдилар.

Талабаларнинг яратган дастурлари проекторлар орқали экранда намойиш этилди ва улар беш баллик тизимда баҳолаб борилди. Беллашув жуда қизиқарли ва жонли ўтди.

«Билимдонлар беллашуви»да талабаларнинг чиқишларини ТАТУ ўқув ишлари бўйича проректори Х.Соатов, илмий ишлар бўйича проректори Х.Орипов, фундаментал фанлар факултети декани Б.Абдусатторов, "Информатика" кафедраси мудири Б.Ражабовлар баҳолаб боришди. Ҳакамлар жамоалар кучини тенг баҳолашди.

Тадбир сўнгида қатнашчиларга "Информатика" кафедраси ва университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари топширилди.

***Нодира ЭРГАШЕВА,***
***ТАТУ "Информатика" кафедрасининг катта ўқитувчиси***

MUNOSABAT

# ВАТАН ДАХЛСИЗЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

***Навоий вилояти алоқа ходимларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Андижон воқеалари ташкилотчилари ва қатнашчилари кескин қораланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар уларга нисбатан ўз нафратларини яшириб ўтиришмади ва Ватан тақдири, унинг дахлсизлиги, тинчлиги ҳамда барқарорлиги ишончли қўлларда эканлигини таъкидладилар.***

**Ҳа, биз Ўзбекистонимизнинг,** халқимизнинг душманлари разил қилмишларига яраша қонун олдида жавоб беришларига ишонамиз. Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликни йўққа чиқариш ҳеч қачон уларга насиб этмайди. Мустақиллигимиз душманлари ўз маккорликларини қанчалик чиройли шиорлар билан ниқоблашмасин, уларнинг жоҳилликлари ва ғаразли режалари халқимиз иродаси ва манфаатларига зидлигича қолаверади.

Биз учун фарзандларимиз қувончи ва она Ватан равнақидан юксакроқ неъмат йўқ.

***Йўлдошмурод ЖЎЛИЕВ,***
***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи***

# ЭЗГУЛИКНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНДДИР

**Андижон воқеалари** ҳар бир қалбда акс-садо берди. Ҳар биримиз жон қулоғимизни Андижонга тутдик. Худога шукрки, Юртбошимизнинг матонати билан андижонликлар турмуш тарзи тез муддатларда ўз изига тушди. Тўғри, босқинчилар ортида хориждаги раҳнамо ва ҳомийларининг асл муддаолари не эканлигини теран тушуниб етмаганлар ҳам, айни пайтда ғараз ниятларга хизмат қилаётганлигини билатуриб, жиноятчилар сафини тарк этмаганлари ҳам бор. Албатта, улар вақти келиб бу ишларидан пушаймон бўладилар...

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ белгилаб олган олий мақсадимиз — ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш. Йўлимизга тўғаноқ бўлаётганлар мақсадига етолмайдилар.

Юртимиз не-не азиз-авлиёларга бешик бўлган, улар ёққан илм-маърифат машъаласи онгу тафаккуримизни ёритиб турибди. Огоҳ бўлсак, куч, билим ва тажрибамизни Ватан равнақи учун бахшида қилсак, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга эзгу ишларимиз билан муносиб улуш қўшиб яшасак, албатта, буюк келажакка эришамиз.

***Солижон ЮНУСОВ,***
***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали директори***

# ТИНЧЛИК ТАРҒИБОТЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК!

***Самарқанд вилоятининг Ургут туманида нуронийлар ва почта ходимлари иштирокида Андижонда рўй берган нохуш воқеаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Турсунов, туман ҳокими Х.Нуриллаев, Ургут почта алоқаси тармоғи бошлиғи Ю.Пўлатов ва алоқа бўлимлари бошлиқлари иштирок этди.***

**Аҳтам Турсунов** Андижон воқеаларига муносабатини билдириб, йиғилганларга Олий Мажлиснинг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссияси фаолияти ҳақида маълумот берди.

Туман ҳокими юзага келган ҳолатдан етарлича хулоса чиқариш, тинчликнинг қадрига етиш лозимлигини таъкидлаб ўтди, нуронийлар ҳамда почта ходимларини фуқароларни огоҳликка чақиришга, Ватанимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас вазифага муносиб ҳисса қўшишга ундади.

Йиғилиш давомида сўзга чиққанлар бегуноҳ инсонлар қонини тўкишга қаратилган ҳаракатларни оқлаб бўлмаслигини, бундай кучларга қарши ҳамжиҳатлик билан курашиш лозимлигини таъкидлашди. Энг асосийси, касбдошларини халқ орасида, халқ билан бевосита мулоқотда ишловчи соҳа вакиллари сифатида тинчлигимиз тарғиботчилари бўлишга чорлашди.

***С.АЛИБЕКОВ,***
***Ургут почта алоқаси тармоғининг 1-тоифали муҳандиси***

# КОМПЮТЕР ЎЙИНЛАРИ ТУРНИРИ СТАРТ ОЛДИ!

***(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)***

Half-Life™: Counter-Strike 1.6 бўйича Бухоро шаҳри ва вилояти, Навоий, Зарафшон ва Урганч шаҳри жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Кескин курашлар остида ўтган баҳсларда Бухоро шаҳрининг Evil Drive жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва Тошкентда бўлиб ўтадиган финал ўйинига йўлланма олди.










Оммавийлиги бўйича иккинчи бўлган Need for Speed: Underground 2 (автомобил пойгаси) ўйинида энг яхши натижани бухоролик Сергей Тяпкин кўрсатиб, у ҳам финалга йўлланмани қўлга киритди.

WarCraft® III: Frozen Throne (компютер стратегияси) ўйинида 60 нафар геймер кураш олиб борди. Ушбу баҳсда навоийлик Дмитрий Климов барчадан устун келди.

Мусобақадаги энг қисқа кураш StarCraft®: Brood War™ (компютер стратегияси) қатнашчилари орасида кечди. Сабаби етти нафар қатнашчи рўйхатдан ўтган бўлишига қарамай, турнирга уларнинг фақат иккитаси ташриф буюрди. Шунинг учун ҳакамлар биргина баҳс ғолиби финалда иштирок этиши учун Самарқандда бўладиган саралашдан ўтиши керак, деган қарорга келишди. Ўйинчининг Самарқандга бориш-келиш харажатлари ташкилотчилар томонидан қопланади.

Умуман олганда, Бухородаги мусобақа юқори савияда ташкил этилди. 57та компютер ўрнатилган GameZone клубида геймерлар учун барча шароитлар яратилди. Мусобақа ҳакамлари фикрича, бир йил ичида ўйинчилар савияси ҳам анча ошган.

Навбатдаги саралаш турнири 11-12 июн кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилади.

***www.infocom.uz***

# Мижозлар кўнглига йўл топиб

***Ғазалкент почта алоқаси тармоғи Бўстонлиқ туманида яшовчи 130 мингга яқин аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатади. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалининг хизматлар ҳажмини ошириш ҳамда сифатини таъминлашга қаратилган ишларида 110дан зиёд ходим ишлайдиган мазкур корхона салмоқли ўрин тутади.***



**Тошкент вилояти** умумий ер майдонининг деярли учдан бир қисмини банд этган Бўстонлиқнинг тоғ-тошлардан иборат чексиз ҳудуди бир томондан Қозоғистонга, яна бир томондан Қирғизистонга туташиб кетган. Турган гапки, бу почта жўнатмаларини тегишли манзилларга етказишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Масалан, Ғазалкент почта алоқаси тармоғининг Узун алоқа бўлими туман марказидан 110 километр узоқликда жойлашган. Шунга қарамасдан пенсия пуллари, хат-хабарлар, жўнатмалар, даврий нашрлар эгаларига имкон қадар вақтида етказиб берилмоқда.

Умуман олганда, жорий йил Ғазалкент почта алоқаси тармоғи учун муваффақиятли бошланди. Тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам йўлга қўйилгани натижасида корхона вилоят почта алоқаси тармоқлари орасида обуна ишлари самарадорлиги бўйича пешқадамлар сафидан жой олди. 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, турли номдаги газета-журналларга қилинган обуна миқдори жами 9212тани ташкил этди. Бунда, албатта, корхона ва ташкилотлар, ширкатлар ва фермер хўжаликлари ҳамда маҳалла қўмиталари билан доимий ҳамкорликнинг ўрнатилгани ҳам муҳим омил бўлди.

— Обуна ишларини тўғри йўлга қўйиш, пенсия пуллари ва даврий нашрларни эгаларига ўз вақтида етказишда жойлардаги бўлимларимиз бошлиқлари ҳамда почтачиларимизнинг ҳиссаси катта, — дейди Ғазалкент почта алоқаси тармоғи бошлиғи Алибой Рашидов. — Айниқса, Қуралай Эстемесова (Товоқсой алоқа бўлими), Феруза Алимбоева (Сойлиқ алоқа бўлими), Заробу Тошпўлатова (Бурчмулла алоқа бўлими) сингари ташаббускор, ишчан хотин-қизлар бошқараётган бўлимларнинг фаолиятидан мамнунмиз.

Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида хат-хабарлар етказиб бериш режаси 118,6 фоиз, телеграммалар 121,7, газета-журналлар 106,5 ҳамда пул жўнатмалари 125,5 фоиз бажарилди. Телекоммуникация хизматлари учун аҳолидан 61870689 сўмлик дебиторлик қарзлари йиғиб олинди. Шунингдек, туманда яшовчи 16500 нафар пенсионерга ўз вақтида пенсия пуллари етказиб берилмоқда.

— Ўн тўққиз йилдан бери шу корхонада ишлайман, — дейди корхона нафақа бўлими оператори Басура Айхожаева. — Назоратчи Елена Ким, обуна бўлими операторі Юлдуз Сулаймонова, оператор Гулнора Кўчкинова сингари касбдошларим билан кунига 200—300 мижозга хизмат кўрсатамиз. Ўйлашимча, кўрсатилаётган хизматлар сифатидан мижозларимиз мамнун. Чунки эътирозлар, шикоятлар бўлаётгани йўқ.

Яқинда ниҳоясига етган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари олдидан мусобақа меҳмонларига янада сифатли хизмат кўрсатиш учун Ғазалкент почта алоқаси тармоғининг еттита алоқа бўлими қайта таъмирдан чиқарилди. Хондайлиқ, Сойлиқ, Ғазалкент 1, 2 ҳамда 3-алоқа бўлимлари ёш спортчилар хизматида бўлди. Шу билан бирга, газета-журналлар, почта маркалари ва хатжилдлар савдоси ҳам йўлга қўйилди.

Корхонада ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, уларни ижтимоий муҳофазалашга доимо алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ерда яхши бир анъана ҳам йўлга қўйилган. Яъни, узоқ йиллар туман алоқа соҳасида фаолият юритган фахрийлар даврий нашрларга корхона ҳисобидан обуна қилинади.

***Собит АҲАДОВ,***
***"Xabar" мухбири***

# Новости в сфере ИКТ

## Производство мобильных телефонов в Японии

увеличится в 2005 году по сравнению в предыдущим годом на 10,9% и составит около 80 миллионов единиц.

Как пишет газета «Нихон кэйдзай», спрос на мобильники третьего поколения непрерывно возрастает в странах, импортирующих японскую продукцию, а в самой Японии наблюдается его некоторое снижение.

В 2003 году, когда начали широко выпускаться телефоны со встроенными камерами, их популярность резко возросла, однако уже в 2004 году восемь основных японских производителей были вынуждены снизить производство на 5,8% или до 73 миллионов единиц.

## «Мобильные» инвестиции COSCOM в Узбекистане

**Один из** крупнейших сотовых операторов республики — узбекско-американское СП COSCOM инвестировало в развитие сети мобильной связи Узбекистана около 40 MUSD. Об этом сообщил менеджер проектов по Узбекистану американской компании «МСТ» Абрахам Смит.

По словам А. Смита, первоначальный объем вложенных инвестиций «МСТ», владеющей 85% акций СП COSCOM, составил 21,8 MUSD, а с учетом реинвестиций в развитие собственной сети COSCOMа их объем к концу девятого года деятельности компании в Узбекистане вырос почти в два раза.

Как отметил Абрахам Смит, американские инвестиции позволили ввести в эксплуатацию интеллектуальный коммутатор «ALCATEL 1000S12» Lm-7 с емкостью до 1.000.000 номеров.

## Мобильная молодежь выбирает радио и музыку

**Согласно** проведенному исследованию бесплатный прием радио на мобильный телефон и загрузка музыки являются наиболее интересными функциями мобильных телефонов у молодежи.

Так, около 40% из 1000 владельцев телефонов в возрасте от 13 до 34 лет заинтересованы в приеме бесплатного радио на мобильные телефоны. Почти 35% опрошенных проявили интерес к беспроводной загрузке музыки.

Также около 40% проявили стабильный интерес к видео-услугам, тогда как менее 20% предпочли бы платить либо помесячно по $4 за прием видеосигнала, либо платить по 30 центов за каждый загруженный видеоклип.

## Система дезинфекции мобильных телефонов

**Специальная** телефоноочистительная машина была недавно запатентована корейским изобретателем. Система очистки телефонов позволит гарантированно убить все бактерии, имеющие свойство плодиться в телефонных клавиатурах и пазах, освежить запах корпуса и придать телефону «обновленный вид».

Систему очистки разработчик предполагает продавать магазинам, продающим мобильные телефоны. С новым оборудованием их владельцы смогут предложить покупателям и постоянным клиентам услуги и по «химчистке» их электронных любимцев.

## В Узбекистане появился официальный представитель MICROSOFT

**Представительство Microsoft в Центральной Азии** и Казахстане расширило свое присутствие, назначив своего официального представителя в Ташкенте.

Однако, как сообщил журналистам генеральный директор Microsoft в Центральной Азии и Казахстане Айдар Даулетов, самостоятельное отделение Microsoft в Узбекистане будет открыто только после того, как выяснятся возможности рынка и перспективы на нем для компании.




Новый представитель Microsoft по Узбекистану Ахадбек Далимов в свою очередь заметил, что, теперь местные компании будут иметь «тот же уровень обслуживания, что и наши клиенты в западных странах». Кроме этого, основной задачей представителя в Узбекистане станет развитие и укрепление местного партнерства, а также техническая поддержка легальных пользователей программного обеспечения.

В настоящее время в Узбекистане с американской корпорацией сотрудничает ряд фирм. Четыре местные компании являются сертифицированными партнерами Microsoft: UCD Micros, Nuron DC, Net Dec и 7Levels.

# Ёзги ўқув машғулоти бошланди

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сонли ҳарбий қисм)да жорий йилнинг 1 июн куни «Ёзги ўқув мавсуми» бошланишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни бошқарма бошлиғи, полковник Д.Голдман очди.***



**Йиғилишда** бошқарма бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник А.Сагатов ва капитан М.Шакировлар сўзга чиқишди. Улар Ватаннинг фидойи ҳимоячисини шакллантириш, халқимиз бой тарихи, маънавий мероси, миллий истиқлол ғояси, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати, мудофаа, ҳарбий қурилиш борасидаги долзарб масалаларга тўхталиб ўтишди. Аскарлар жанговар, махсус ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида мунтазам қатнашиб, Ватан олдидаги бурчларини виждонан бажаришга сўз бердилар.

Шундан сўнг шахсий таркиб билан биринчи ижтимоий-сиёсий машғулот ўтказилди.

*Ўз мухбиримиз*

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси

«O'zkabel» ОАЖ

Мустақил республикамиздаги кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сардоридир.

У кабел маҳсулотлари бозорида 60 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Биз Сизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаб, корхонамиз маҳсулотларидан фойдаланишингиз учун барча имкониятларни яратамиз.

Корхона кенг кўламда аъло сифатли КМО, КПБП, КГ, КГЭ, ТПП, ТПВ, ТППэп, ПГФ, ЗКПм, КСПП, СБПУ, РК-75, КВТ, АКВВГ, КВВГ, АКВВКЭ, КВВГЭ, ПВ, АПВ, ВПП, ВПВ, А, АС, М, МГ, МФ, МГЭ, ВВГ, АПВГ, АВВГ, АСБ, СБ кучланиши 1, 6, 10 кВгача, АППБН, ПБНГ, ПУНП, ПРППМ, ППБН, ППС, ПУГНП, ТРБН, ПВДПО кабеллари; ММ, МТ симлари — жами 2 мингдан ортиқ турдаги кабел маҳсулотлари ишлаб чиқаради ва сотади.

Маҳсулот сертификатланган, баҳоси рақобатбардош.

«O'zkabel» ОАЖ

бизнес бўйича ҳамкорлик қилишга доимо тайёр, ўзаро муносабатларни қадрлайди ва уларнинг келгусида янада мустаҳкамланишига ҳаракат қилади.

Биз Сиз билан бирга ишлаймиз, Сиз учун, Сизнинг порлоқ келажагингиз учун меҳнат қиламиз.

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 162-39-58. 162-93-65. 162-02-36. 162-02-41.
Факс: 162-35-71.
www.uzkabel.uz. e-mail: marketing@uzkabel.uz

## ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН!




***Бугунги кунда замонавий технологияларсиз, айниқса, компютерларсиз ҳаётимизнинг бирор бир жабҳасини тасаввур қилишимиз мушкул. Шу боис боғчалару мактабларда, олий ва ўрта таълим муассасалари-ю, катта-кичик корхоналарда ҳам компютер ўргатилиб, ундан кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда. Хуллас, компютер "тили"ни ўрганишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.***

***Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида газетамизнинг шу сонидан бошлаб барча ёшдаги бошловчи-ўрганувчилар учун "KOMPYUTER SAVODXONLIGI" рукнини ташкил этдик. Энди ушбу рукн остида "UzInfocom" маркази билан ҳамкорликда тайёрланган компютердан фойдаланишнинг назарияси маълум дарсларга бўлинган ҳолда бериб борилади. Ўйлаймизки, бу Сизлар учун фойдадан холи бўлмайди.***

### 1-ДАРС.

*КОМПЮТЕР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР*

1-сабоқ.

**УМУМИЙ ТУЗИЛИШ**

Компютер асосий блок (hardware) ва ушбу блокни бошқаришни таъминлайдиган дастурий қисм (software) дан ташкил топган.

Компютерда ишлаш учун унинг ҳамма қисмлари ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб этилмаса-да, буни билиб қўйиш зарар қилмайди.

*Компютер қуйидаги асосий қисмлардан иборат:*


Экран


Қаттиқ диск


Клавиатура


"Сичқонча"


Системали блок


Она плата


Диск юритувчи


Мултимедиа воситалари

**СИСТЕМАЛИ БЛОК** — компютерда асосий рол ўйнайди. У системали блокка бириктирилган ташкил этувчиларни статик токдан ва физик зарарланишдан сақлайди, бундан ташқари системали блокда жойлашган қурилмаларнинг ишлаши натижасида чиқадиган шовқинни қайтариш вазифасини ҳам бажаради.

Корпуснинг асосий қисмини она плата ёки системали плата ташкил қилиб, у компютер ишлашини таъминлайдиган барча ташкил этувчилар компонентлари билан боғланган бўлади.

**ПРОЦЕССОР** (CPU-Central Processing Unit) - компютер "мияси" ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, барча амаллар бажарилиши ва уларнинг натижалари чиқарилишини таъминлайдиган қурилма. Процессорни танлашда иккита кўрсаткичга эътибор бериш лозим:

- процессор сериясига (масалан: Pentium, PentiumII, PentiumIV, 486SX);
- тактли частота бирлигига (МегаГерцда). Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, компютер шунчалик тез ишлайди.

**ХОТИРА** (Memory) - дастурий восита ва қурилмалар иш ҳолатини таъминлайдиган маълумотларни сақлаш учун хизмат қилади. Компютерда қуйидаги хотира турлари келтирилади:

- **Доимий сақлаш қурилмаси** (ROM-Read Only Memory) - компютернинг бошланғич юкланишида ва фойдаланувчи томонидан ўзгармайдиган маълумотлар сақланишини таъминлайдиган қурилма.
- **Оператив хотира** (RAM - Random Access Memory) - компютернинг айни вақтдаги ишлашини бошқарувчи дастурлар ишини таъминлайдиган маълумотлар сақланади.
- **Кэш хотира** (Cache) - муҳим юқори тезликли хотира. Бу хотира процессор билан оператив хотира ўртасида маълумот алмашиниш тезлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

**ҚАТТИҚ ДИСК** (HDD - Hard Disk Drive) - компютерга ўрнатилган барча дастур файллари, узоқ вақт сақланишга мўлжалланган маълумотлар сақланишини таъминлайди. Қаттиқ диск маълум белгиланган ҳажмга эга бўлади.

**ЮМШОҚ ДИСК ЮРИТУВЧИ** (FDD - Flopy Disk Drive) - магнит қисмида ёзилган маълумотларни ўқиш ва ёзиб олиш қурилмаси (дискета). Магнит диск (дискета)лари бир компютердан бошқа компютерга маълумотларни кўчириш ва кейинчалик бу маълумотлар қаттиқ дискда ёзилиб қолишини таъминлаш учун ишлатилади. Одатда 3,5 дюймли дискеталардан фойдаланилади ва бу дисклар 1.44 Mb маълумотларни сиғдира олади.

**ЛАЗЕРЛИ ДИСК ЮРИТУВЧИ** (CDD - Compact Disk Drive ) - маълумотлар ёки мусиқаларни компакт диск орқали ўқиш қурилмаси. Компакт дискларнинг ҳажми катталиги (650-700 Megabite) жуда қулай. Унда катта ҳажмдаги дастурий маҳсулотларни ва маълумотлар базасини (энциклопедияларни), фильмларни ва бошқа катта ҳажмли маълумотларни сақлаш мумкин.

**Монитор (экран, дисплей)**

Монитор компютер орқали қайта ишланган матнни ёки график маълумотларни экранга чиқаришни таъминлайди. Мониторнинг муҳим техник кўрсаткичи бу частотасидир, у герцларда ўлчаниб, экрандаги тасвир секундига неча марта янгиланишини кўрсатади. Ҳар бир экран ўз ўлчамига эга, у дюймларда экран узунлигининг диагонали билан ўлчанади (1 дюйм=2,54см). Доимий фойдаланувчи учун 15 ёки 17 дюймли монитор экрани етарли. Рангли расмлар билан ишлайдиган профессионал фойдаланувчилар учун эса 19 ва ундан юқори дюймли мониторлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Клавиатура (Keyboard)**

Шахсий компютерга фойдаланувчи томонидан буйруқ ва маълумотларни киритишда клавиатурадан фойдаланилади. Клавиатура орқали ҳарфлар, рақамлар ва махсус тиниш белгиларини киритиш мумкин. Клавиатурада шундай клавишалар ҳам борки, улар маълум дастурга бириктирилган бўлади. Масалан, ҳозирда кенг тарқалган мултимедиавий клавиатурада Windows Media Player ёки Internet Explorer дастурлари бириктирилган клавишалар мажмуи борлигини қайд қилса бўлади.

**"Сичқонча"**

"Сичқонча"ни қуйидаги мақсадларда ишлатиш мумкин:

- экранни курсор орқали бошқариш;
- дастур менюларини очиш;
- ҳаракат ва буйруқларни тиклаш;
- матн фрагментини белгилаш;
- графикли ишларни бажариш.

***(Давоми келгуси сонда.)***

SPORT, SPORT, SPORT

# Омад кучлиларга кулиб боқади

2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатига Осиё минтақасидан тўрт жамоа финал йўлланмасини накд қилиб қўйди.

**Осиё** саралаш босқичининг "А" гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ҳафтада Жанубий Корея терма жамоасини қабул қилиб, дуранг натижани қайд этди. Умуман олганда, ўша куни Равшан Ҳайдаров шогирдлари "Пахтакор" стадионига йиғилган минглаб футбол мухлислари олдида яхши ўйин кўрсатди. Учрашувнинг 64 дақиқасида Максим Шацких киритган тўп бизга ғалаба тақдим этиши ҳам мумкин эди. Бироқ Осиёнинг энг кучли жамоаларидан бири ҳисобланган Жанубий Корея сўнгги дақиқаларда мағлубиятдан қутулиб қолиш учун ўзида куч топа олди ва терма жамоамиз имкониятларини пасайтириб юборди. Шуни айтадиларда "Омад кучлиларга кулиб боқади", деб.

***Ўзбекистон – Жанубий Корея – 1:1***

**Голлар:** Максим Шацких, 64 – Парк Чу Йонг, 90.

Гуруҳимиздан ўрин олган Саудия Арабистони ва Қувайт терма жамоалари ўртасидаги тўртинчи тур учрашуви 3:0 ҳисобида саудияликлар ҳисобига ҳал бўлди. Қайсидир маънода ушбу натижа биз учун имконият эшикларини очиқ қолдирди.

Чоршанба куни саралаш босқичининг бешинчи тур учрашувлари ўтказилди. Терма жамоамиз сафарда Саудия Арабистонига қарши майдонга тушди.





***Саудия Арабистони – Ўзбекистон – 3:0***

**Голлар:** Сами Ал Жабер, 9; 60; Саад Ал Харти, 87.

Мамлакатимиз терма жамоаси ушбу баҳсда сўнгги уч-тўрт йилдаги энг ёмон ўйинини намойиш этди. Саудияликлар ҳар жиҳатдан вакилларимиздан устун келди ва бу ҳисобда ҳам ўз аксини топди.

Гуруҳнинг бошқа учрашувида Жанубий Корея терма жамоаси сафарда Қувайтни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди.



Шундай қилиб, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея терма жамоалари муддатидан аввал Жаҳон чемпионати йўлланмасини накд қилиб қўйишди. Терма жамоамизга эса 17 август куни Қувайт билан бўладиган сўнгги тур учрашувида ғалаба қозониш талаб этилади. Агар бу вазифа уддаланса аввалига Баҳрайн терма жамоаси билан, кейин эса КОНКАКАФ (Шимолий Америка)нинг тўртинчи жамоаси билан плей-офф баҳслари ўтказилади. Демак, умид қилишда давом этаверамиз.

Осиё саралаш босқичининг "В" гуруҳида бешинчи турдан кейин ҳамма нарса ойдинлашиб улгурди. Эрон ва Япония мундиалга йўл олиши маълум. Баҳрайн учинчи ўринни эгаллаб, мусобақани давом эттирса, Шимолий Корея жамоаси имкониятлардан бутунлай маҳрум бўлди.

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасининг катта ўқитувчиси Заҳро Муҳамедовага акаси

**Зокиржон ҲУСАНОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдужаббор Атамуродовга отаси

**Шоди бобо АТАМУРОДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Коллектив Республиканского центра управления сетями телекоммуникаций Узбекистана глубоко скорбит о безвременной кончине заместителя начальника отдела сетевых ресурсов и технологий

**КРУГЛОВОЙ Нины Алексеевны**

и выражает искреннее соболезнование родным и близким покойной.

**Ўзбек томошабинлари Америка, Лотин Америкаси, Корея, Миср ва бошқа мамлакатларнинг кўплаб сериалларидан баҳраманд бўлишди ва бўлишмоқда. Айниқса, Мексика киноижодкорлари томонидан яратилган "Бойлар ҳам йиғлайди", "Оддий Мария", "Эсмеральда", "Ёлғон асираси" сингари ўндан ортиқ сериаллар ҳамон уй бекаларининг "мавзу рейтинги"дан тушгани йўқ. Шу кунларда эса телесериаллар ишқибозлари ўзининг кульминация нуқтасига чиққан "Муҳаббат можароси" билан нафас олмоқдалар, гўё.**



# TELEVISA: СЕРИАЛЛАР САРИ САЁҲАТ

***Бугун биз бирор бир сериал ёки унинг қаҳрамони ҳақида эмас, балки шу сериалларни суратга олган, бу орқали бутун дунёни мексикаликлар ҳаёти, турмуш тарзи, ўй-фикри-ю, орзу-ҳавaслари билан таништираётган кинокомпания — "Телевиса" хусусида сўз юритамиз.***

**Мамлакатнинг** энг йирик телекомпанияси ҳисобланган "Телевиса"да йилига 20тагача сериал тайёрланади. Унинг суратга олиш павилони 80000 квадрат метр майдонни эгаллайди. Буни Америка Ҳолливудининг йирик киностудиялари ихтиёридаги ҳудуд билан бемалол таққослаш мумкин.

**"Телевиса"нинг бутун бошли актёрлар армияси бор — бу ерда доимий ишловчи 2000 кишидан ташқари яна 5000 актёр йиллик шартнома асосида суратга олиш жараёнларида қатнашади.** Юздан ортиқ мусиқачи ва шоир компания билан доимий ҳамкорлик қилади, унинг филм ва сериаллари устида эса 150га яқин продюсер, режиссёр ҳамда сценарий ёзувчилар ишлайди. "Телевиса" нафақат иқтидорлиларни танлайди, балки уларни тайёрлайди ҳам. Унинг қошида *"Centro de estudio Artisticos" (CEA) номли актёрлар тайёрлаш мактаби очилган. Ушбу мактабда 6 ёшдан 11 ёшгача болалар, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар ҳамда катталар таҳсил олади. Фернандо Колунга, Нора Салинас ва бошқа машҳур актёрлар ўз даврида ушбу мактаб ўқувчилари бўлишган. Умуман олганда, "Телевиса"дан Лусия Мендес, Вероника Кастро, Мария Феликс, Андрес Гарсия, Виктория Руффо, Умберто Сурита, Рафаэл Гутиерас ("Муҳаббат можароси" режиссёри), Энрике Нови, Талия, Лусеро каби таниқли актёр ва актрисалар етишиб чиққан.*

***Жорий йилда "Телевиса" томонидан суратга олинган телесериаллар:***
***"Роҳиба Хуане Инес де ла Крус", "Ширин орзулар", "Муҳаббатнинг баҳоси йўқ", "Ўгай она", "Пабло ва Андрея", "Перегрина", "Тақдирга қарши", "Бокира рафиқа", "Исёнчилар", "Соддадил қиз".***

## Ишингни ташла, сериал бошланди

Барчаси радиодан бошланган. 1928 йили Кубада "Туғилиш ҳуқуқи" ("El derecho de nacer") номли биринчи радионовелла эфирга узатилган эди. **У том маънода бутун мамлакатни ларзага келтирди: ушбу радиосериалнинг диққатни жалб қилувчи мусиқаси янграши биланоқ барча қилаётган ишини ҳам ташлаб, радиокарнайлар ёнига шошарди.** Бугунги кунда жаҳон зангори экранларини забт этган Мексика сериаллари ўтган асрнинг 40-50-йилларидаги радионовеллаларнинг телевидениега кўчган нусхаларидир. Масалан, кубалик машҳур сценарий устаси Делия Фиало ўзининг илк сценарийсини 50 ёшида Куба радиоси учун ёзган. Лотин Америкасида телевидение пайдо бўлиши билан, бу жараёнда Куба, Мексика, Бразилия ва Венесуэла етакчи бўлган, Делия Фиало бошқа ҳамкасблари қатори телевизион сценарийлар ёзишга ўтди.

Дастлабки телесериал 1958 йилда суратга олинган. Ўша даврда бу машаққатли иш бўлган: сериаллар тор павилонларда бесўнақай аппаратуралар билан суратга олинар, ярим соатлик саҳна кўринишини тугатиш учун бир неча кунлаб ишлашга тўғри келар эди. **Бу ҳам етмаганидек, ўша вақтларда кинотасмаларни бор-йўғи уч йилгача сақлаш мумкин эди, холос.** Фақат 70-йиллар бошига келиб, "Телевиса" Мексикада бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини ёритиш учун янги жиҳозлар сотиб олгандан сўнг, теленовеллалар яратиш ишлари такомиллашди.

## Вероника, маошинг қанча?

Ҳойнаҳой, теленовеллалар яратувчиларининг қанча даромад топишларини билиш барчани қизиқтирса керак. Мексика сериалларини тасвирга олиш ишларида режиссёр эмас, балки продюсер асосий ўринда туради. Шунинг учун энг юқори маош тўланадиган продюсерлар йилига ярим миллион долларгача олишади. Сценарий муаллифлари 150000 долларгача, "юлдуз" актёр ва актрисалар эса йилига 100000 долларгача ишлашади. Агар Ҳолливуд баҳосига таққосланса, бу унчалик кўп эмас, шу боис мексикалик телеюлдузларнинг барчаси қўлларидан келганича қўшимча пул топишга ҳаракат қиладилар. **Масалан, Вероника Кастро ("Бойлар ҳам йиғлайди"даги Мариана) нафақат телесериалларда суратга тушади, балки ҳар куни оқшомги телешоуни олиб боради, пластинкалар ёзади, унинг Мехикода қатор гўзаллик салонлари бор, ҳатто у кир ювиш кукунини реклама қилишни ҳам ўзига ор билмайди.**

Мексикаликлар теленовеллаларнинг ҳар бир сериясига 20000 долларгача ишлатишади, сериялар сони 600тагача (ҳар бири 20 дақиқадан) етади. Ҳа, сериаллар яратиш кўп маблағ талаб қилади, аммо жудаям сердаромад соҳа.



## Пул бўлса — чангалда шўрва

Бугунги кунда телевидение, бутун дунёда бўлганидек, Мексикада ҳам асосий ахборот бериш манбаига айланди. Сўнгги маълумотларга кўра, ўртача олганда бир мексикалик ҳафтасига 6 кун телевизор томоша қилар, ҳар бешинчи мехиколик эса кунига ушбу машғулотга икки соатдан кўпроқ вақтини сарфлар экан. Тележанрлар ичида биринчи ўринда турувчи сериаллар деярли ҳар куни махсус телеканаллар орқали намойиш этиб борилади. **Мексикаликлар сериалларни оила даврасида, кечки овқатдан сўнг ўзаро баҳслашган ҳолда томоша қилишни ёқтиришади.** Баъзи теленовеллалар мутахассислари Бразилия сериалларини Мексика ёки Венесуэла теленовеллаларидан устун қўйишади. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Масалан, яқин-яқин вақтларгача Мексика сериаллари фақат студияларда суратга олинар эди. Ҳозирги кунда эса мексикаликлар бразилиялик ҳамкасблари тажрибасига таянган ҳолда суратга олиш майдончаларини шаҳар кўчалари ва қишлоқларга ҳам кўчиришяпти.

Бразилияликлар сценарийни ёзишга ҳам бошқачароқ ёндашишади: сценарий муаллифи дастлабки серияларда бир неча персонажлар яратиб, воқеалар ривожини бошлаб беради, бош қаҳрамон танлаш ҳуқуқини эса томошабинлар ихтиёрига қолдиради. Сериал экранларга чиққан кундан бошлаб махсус компаниялар қайси персонаж аҳоли томонидан яхши қабул қилинаётганини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказади. Шунинг учун баъзида иккинчи даражали қаҳрамонларни ятаётган актёрлар томошабинлар қалбидан шунчалик чуқур жой эгаллайдики, натижада сценарий айнан улар учун мослаштирилади, машҳур актёрлар ҳам четга чиқиб қолади. Мексика "Ҳолливуди"да эса бутунлай бошқа манзара: мухлислар севимли актёрларини кўриш учунгина муайян вақтда телевизор қаршисидан жой оладилар. Мексикаликлар, айрим истиснoларни ҳисобга олмаганда, сценарийни ўзгаришларсиз қолдиришади.

**Албатта, Мексика телесериаллар саноатида юлдузларнинг ўзаро рақобати ҳам мавжуд. Бунга Вероника Кастро ҳамда Лусия Мендес ўртасидаги зиддиятлар мисол бўла олади. Улар узоқ йиллар "Телевиса"нинг ягона маликаси бўлиш учун курашдилар. Охир-оқибат Лусия АҚШга кетишга қарор қилди ва у ерда "Мариелена" сериалида суратга тушди.**

Мана 33 йилдирки, "Телевиса" сериаллар ва телекўрсатувлар бозорининг пешқадамларидан бири бўлиб келмоқда. Унинг асосчиси Эмилио Аскаррага кичкина студияни улкан медиаимперияга айлантиришга муваффақ бўлди. 1997 йилда Э.Аскаррага вафот этди ва компанияни унинг ўғли (унинг исми ҳам Эмилио) бошқармоқда. Бугунги "Телевиса" кунига бир, ҳатто иккиталаб теленовеллалар сериялари суратга олинадиган бутун бошли шаҳарга айланган ва у Сан-Ангел ("Фариштaлар шаҳри") деб аталади. Бу ерда олти минг киши меҳнат қилади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ "Телевиса" Бразилиянинг "Глобо" компанияси каби Лотин Америкасида энг йирик "орзулар фабрикаси"га айланди. Кинокомпанияни "Теленовеллалар Ҳолливуди" ҳам дейишади.

***Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади***

BIZNING KALENDAR

## ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИ

***10 июн***

**Тўхта ҒАЙБУЛЛАЕВ** (1946) — *Агентликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.*

***11 июн***

**Бахтиёр АБДУРАСУЛОВ** (1961) — *"Ўзбектелеком" АК "Ўзбектелеком Мобайл" филиали директори.*

***12 июн***

**Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ** (1960) — *Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи.*

***14 июн***

**Тоҳиржон ИМИНОВ** (1950) — *"Алском" қўшма суғурта компанияси директори.*

## Табриклаймиз!

***"Фарғона Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Бағдод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Қаҳрамонжон БЕКМИРЗАЕВни туғилган куни билан самимий табриклайдилар. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида ривож тилаб қоладилар.***

***"Фарғона Телеком" филиалининг Сўх телекоммуникациялар боғламаси жамоаси корхона бошлиғи Мирзаали ШЕРОВ ҳамда боғлама ходими Асқарбек АНБАРЖОНОВларни туғилган кунлари билан табриклаб, уларга соғлиқ, ишларида омад, оилаларига тинчлик-омонлик тилайди.***



**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Рустам СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. **Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

559-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 8038 нусха.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz*

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.